



РАШОД КАМОЛОВНИ ЎЛДИРИШ УЧУН 20 МИНГ ДОЛЛАР ВАЪДА ҚИЛИНГАН

Қорасув шаҳрида жойлашган “Ас-Сарахсий” масжиди имоми Рашод Камоловни йўқ қилиш учун уюштирилган бу суиқасд ҳаракати Қирғизистон ҳудудида биринчи мартаба такрорланаётгани йўқ.

Роппа роса бир йил аввал, 2015 йилнинг 9 февралда одамларни Сурияга ёллаш ва жиҳодни тарғиб қилганликда гумонланиб, қўлга олинган, кейинчалик эса экстремизмда айбланиб, 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўш вилоят суди қарори билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган Рашод Камолов Ўрта Осиёдаги, жумладан Фарғона водийсидаги диний вазиятни издан чиқаришликка қаратилган бир сиёсий уйиннинг қурбони сифатида кўрилмақда.

Биз бугун на бир Қирғизистон ва на бир халқаро оммавий ахборот воситаларида ёритилган Рашод Камоловга уюштирилган суиқасд ҳақида, яъни имомни қўлга олиншидан аввал, уни жисмонан йўқ қилиш мақсадида, кўшни Ўзбекистондан юборилган киллер ҳақида, таҳририятимизга келиб тушган суд ҳукми асосида батафсил маълумот бермоқчимиз.

Эслатиб ўтамиз, Азиз исмли бу киллер Ўш милицияси тарафидан қўлган олинганидан кейин Қирғизистон жиноий кодексининг тўртта банди бўйича жазо олган: “Давлат чегарасини ноқонуний тарзда кесиб ўтиш”, “Ноқонуний тарзда қурол-ярқ сақлаш”, “Хукукни муҳофиза

қилиш органи вакилларига ҳужум қилиш” ва “Суиқасд қилиш”. У 17 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони Бишкекдаги қатъий режимли колонияда ўташи белгиланган. Кейинчалик эса, ғайриоддий вазиятда қамқондан озод этилиб, Ўзбекистонга ўтиб кетган.

“Мени Ўзбекистон юборди”

Азиз Бобобеков исмли қотил (киллер) Рашод Камоловни жисмонан йўқ қилиш мақсадида, 2014 йилнинг 2 апрель куни Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятига қарашли Водил тумани билан чегарадош Қирғизистоннинг Боткен вилояти Қадамжой туманининг Сарик олтин қишлоғида жойлашган чегара яқинидаги айланма йўлдан қурол билан ноқонуний ўтади.

Ўша куни ўзининг Рома исмли дўсти билан Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрига келади ва қотилликни амалга ошириш мақсадида шаҳардаги Ленин кўчасида жойлашган туман болалар касалахонасининг орқа тарафидаги далага, бетон парчалари орқасига “ТТ №АВО 8784” пистолетини олти донга ўқи билан яшириб қўяди.

“Менга Сергей ва Ваня исмли

одамлар, Қорасув шаҳри Нураҳонов кўчасининг 415 уйида яшовчи, 1978 йили туғилган, “Ас-Сарахсий” масжиди имоми Рашод Камоловни ўлдириш буйруғини берган ва бунинг эвазига 20000 АҚШ доллари таклиф қилишди. Аввалдан 10000 доллар олдим” – деган суиқасдчи (киллер) Азиз Бобобеков тергов ва суд жараёнларида.

Азиз 2014 йилнинг 26 апрель куни соат кечки 22:30лар чамасида Қорасув шаҳрининг Телмон кўчасида жойлашган “Салқин тўр” кафесида ароқ ичиб, мас бўлган ҳолда юрганида, туман милицияси ходимлари тарафидан қўлга олинади. Текширув

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

жараёнида суиқасдчи (киллер) милиция ходимларига пичоқ билан қаршилик кўрсатган ва тинтув натижасида унинг олдида “ПМ 9 м – “Макаров” русумли пистолет, етти дона ўқи билан топилган.

Тергов жараёнида аниқланишича, суиқасдчи Азиз Бобобековга, 2014 йилнинг март ойида Кавказ миллатидаги Рома исмли шахс: “Қирғизистонда тижорат қилмочиман, сен тил биласан, турар жой ва машина билан таъминлайман” деб ёрдам сўраган. Азиз рози бўлган. Икковлон Қирғизистонга ўтиш учун Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятига чегара худудида келишади, бироқ у ердан Азиз Бобобековни чегарадан ўтказмай қўядилар. Шу сабабли, у чегарани айланма йўллар билан ноқонуний кесиб ўтишга мажбур бўлган ва такси билан Қорасув шаҳрига келиб, мехмонхонага жойлашган.

“Рома мехмонхонада менга: “Бировни кагга микдорда қарзи бор, уни ўлдиришинг керак” деганда, мен унамай қўйганман. Кейин Ваня деган бола Тошкентдан келиб, Рома билан гаплашган. Мен уларни нима ҳақда суҳбатлашганини билмайман, форс тилида сўзлашишди” – дейди суиқасдчи (киллер) Азиз Бобобеков.

Унинг сўзларига кўра, Рома ва Ваня гаплашишганидан сўнг, Рома Тошкентга кетган ва унинг ортидан Азиз Бобобеков ҳам ўз юртига йўл олган.

“Тошкентга борганимда Рома менга “сен билан бошқача гаплашаман” деб кўрқитгани сабабли, Қирғизистонга келаверганман. Қорасувдаги кафедра овқатланиб ўтирганимда, милиция ходимлари келиб паспортимни сўрашди. Мен уларга фуқаровий паспортимни кўрсатдим. Кейин мени туман милициясига олиб боришди. У ерда мен пакетти олмоқчи бўлганимда, курткамдан пистолет тушиб кетди” – дея кўрсатма берган киллер.

Шунингдек, у текширув пайтида милиция ходимларига қаршилик кўрсатмаганини, сабаби ўзи ҳуқуқ тартибот органларида ишлаб, уларнинг ишини яхши билганини айтган ва пичоқ ҳақида ҳам билмаслигини айтган. Лек, чегарани ноқонуний кесиб ўтганини тан олган.

“Машинани Ваня менга ўшдан олиб келиб берган. Қуроллар

касалхона ёнида яширилган экан. Рома кетганидан кейин, мен “ТТ” пистолетини жойига олиб бориб қўйганман ва “МП” пистолетини олдимда олиб юрганман. Терговда қийноқлар остида кўрсатма берганман” – дея суд ҳакамидан енгил жазо беришни сўраган киллер Азиз Бобобеков, Қорасув



туман суди жараёнида.

“Ас–Сарахсий” масжиди имоми Рашод Камолов, ўзига нисбатан уюштирилган суиқасдлик ҳақида 2014 йилнинг апрель ойида Қорасув шаҳар яшовчилари ва такси ҳайдовчиларидан эшитганини айтади.

“Мени ўлдиришга буйруқ олиб, излаётган одам ҳақида Қорасув туман милициясига ва Миллий Ҳавфсизлик Хизматида хабар берганман. Бироқ, у одам ушланганидан кейин, тергов жараёнида мени юзлаштиришмади” – дея норози бўлади Рашод Камолов.

Қорасувлик Хасанов Р.Н. Азиз Бобобеков билан 2014 йилнинг 24 апрель куни “ВА32106” машинаси билан бензин куйиш шаҳобчасига келганида танишганини айтади.

“У менга Эрондан чой маҳсулотларини олиб келишини, уларни сақлаш учун омборхона кераклигини айтди. Мен шаҳардаги ун комбинатининг омборхонасини кўрсатиб берганман. Азиз менга 100 тонна чой келади деб айтган” – дея эслайди Хасанов Р.Н.

Ўзбекистон тарафидан Қирғизистон худудидаги ўзбекларни жисмонан йўқ қилиш буйруғи билан Ўш вилоятига юборилган суиқасдчилар (киллер) бунгача ҳам кузатилган.

Ҳаётига суиқасд уринишининг олди олингани айтган қорасувлик 36 яшар имом Рашод қори Камоловнинг отаси – Фарғона водийсида танилган имом Муҳаммадрафиқ қори Камолов 2006 йил 6 августда ўшда отилган.

Рафиқ қорини 2006 йилдан бошлаб террорчиларга кўмак беришда гумонлаб, сўроқларга чақириб туришар, аммо ҳибсга олиш учун етарли далиллар топилмагани боис қўйиб юборишарди.

2006 йил августда Муҳаммадрафиқ Камолов ҳарбий блокпостдан ўтаётган пайтда спецназ томонидан отиб ўлдирилган. Кейинроқ расмийларнинг билдиришича, мазкур қотиллик ўзбек ва қирғиз махсус хизматларининг Ўш вилоятида биргаликда ўтказган аксилтеррор махсус амалиёти давомида содир этилган.

Шунингдек, 2007 йилнинг 24 октябрида бу минтақада ном чиқарган мустақил журналист Алишер Соипов отиб кетилган. Журналист ҳаётига ҳам аввал Ўзбекистон тарафидан бир қатор таҳдид ва суиқасд режалари бўлган.

Аввалига Алишерни Ўшдан ўғирлаб Ўзбекистонга олиб кетиш режасида маҳаллий милиция ходимлари кўмагида ҳаракатлар бўлган. Бу ҳаракатдан хабар топган Алишер оммавий ахборот воситаларига маълумот бериб, суиқасдни баргараф этган.

Кейинчалик, ўзининг ўткир мақолалари билан Ўзбекистондаги ноҳақликларни ёритиб келган ёш журналистни жисмонан йўқ қилиш, ўлдириш учун маҳаллий безориларга Ўзбекистон тарафидан 10 минг АҚШ доллари таклиф қилинган ҳам маълум.

Қирғизистон Ҳавфсизлик Хизматлари ўз худудида қўшни давлат идоралари ходимларини эркин ҳаракат қилиб, уларни хотиржам, ҳеч қандай тўсиқсиз, қотилликларни амалга ошириб кетишликлари рухсат бераётганликлари таажжубланарлидир. Гарчан, Қирғизистон Ҳавфсизлик

ходимлари моддий манфаат мақсадида, ҳаттоки давлат сирларини сотиб юборишликлари ҳам сир эмас, албатта.

Эргаш Сулаймон

8 йилдирки Олий судни бошқариб келаётган Бўритош Мустафоевнинг ўрнига унинг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган Шоюнус Аюбжонович Ғозиевнинг мамлакат суд тизимига раҳбар этиб тайинланганига кўп бўлган эмас.

Бирок, раисликнинг ўтган бир йилу олти ойлик даври Шоюнус Аюбжоновичнинг баъдига теккан кўринади.

Эҳтимол шунданми, Олий суд раиси хузурига



эрта тонгдан қабулга келган халқ билан лиммолим бўлгани кузатилди. Олий суд ходимларидан халқни сиз кўриб турган мана бу темир панжаралар ажратиб турарди.

Қишнинг ёғингарчилик кунларида узоқ вилоятлардан келган фуқаролар раиснинг рухсорини кўриш илинжида кутиш ўриндиқларида эмас, кўчада, совуқ панжараларга суянган ҳолда кун узоқ кутишга маҳкум этилган.

Суд ҳокимиятининг халқдан панжара кўмагида ажратилишининг боиси нимада?

арз билан келган фуқароларни ё қабул қилишга халқнинг арзларини тинглашга ҳафсала қилмаяпти, ёки қуйи суд тизимидан жабр кўрган жабирдийдаларнинг сони ҳаддан зиёдлиги сабаб барчасини қабул қилишга улгуришнинг мутлақо имкони бўлмаяпти.

Акс ҳолда Олий суд раиси қабулига кириш истагида бир кунда ташриф этганлар сони 350 нафарни ташкил қилмаган бўларди.

Олий суд раҳбариятининг фуқароларни арзини тинглаш тартибига кўра ҳар ойнинг илк жума (муродбахш кунни танлаганини кўринг) куни Шоюнус Аюбжоновичнинг қабул кунлари.

Шу умидда 2016 йилнинг 5 февраль куни Олий суд остонасига раис қабулига кириш истагида келган фуқаролар сони 350 нафардан ошиб кетди.

Қабулга келганлар орасида мамлакатнинг энг чекка ва узоқ ҳудудлари бўлмиш Хоразм, Сурхондарё вилоятларидан ҳам ўнлаб аризачилар ташриф буюрганди.

Энг ачинарлиси, бошига мусибат тушган фуқаролар гарчи кун бўйи тик оёқда кутсалар-да Шоюнус Аюбжонович қабулига кираолмасдан, умидсиз қайтишга мажбур этилди.

Натижада, Ғозиев қабул қилмаганидан ғазабланган аҳоли орасида норозилик кучайди, ғалаён кўтарилди.

Олий суд раиси қабулига кутиб силласи қуриётган, саргардон бўлаётган Чирчиқлик Любовь Александровна Чуракова каби кекса фуқаролар ҳатто ўз талабномаларини матоларга битиб, Олий суд биноси қаршисида норозилик пикети ўтказишга мажбур бўлдилар.

350 нафардан ортиқ одамларнинг сабр-қосаси тўлиб-тошганига гувоҳ бўлган Олий суд ходимлари Шоюнус Ғозиевнинг қабулини 8 февраль — душанба куни соат 10.00 га кўчирилади дея эълон қилишга мажбур бўлди.

Олий суд ходимлари раиси қабул кунини душанбага белгилашлари ортидан ғазабланган омма аламини оз бўлса-да босишга муваффақ бўлди.

8 февраль куни Олий суд раиси қабулига оид воқеа жараёнларини кузатиш мақсадида “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Е. Урлаева, Ада Ким ва менинг иштирокимда рейд ўтказилди. Олий суд биноси

Кекса фуқароларнинг ўтириб кутишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун ҳатто ўриндиқлар ҳам қўйилмаган, халққа шарт-шароит мутлақо яратилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена Урлаева қачонки узоқ вилоятдан келган фуқаролар, қабулга келган кекса кишиларга кутишлари учун шароит яратиб беришларини талаб қилиб туриб олгачгина, милиция ходимлари ичкаридан икки-учта ёғоч ўриндиқлар олиб чиқиб қўйишга зўр-баъзур мажбур бўлишди....

Афсусланарли жиҳати, 8 февраль куни ҳам қош қорайгунга қадар қадалиб турган фуқароларнинг аксарияти раис қабулига кираолмай, умидсиз қайтишга мажбур бўлди.

Негаки, биргина Ғозиев бир кунда 350 нафардан ортиқ одамларнинг муаммоларини тинглашга улгуриши хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда савол туғилади: Олий суд раиси қабулига кирувчилар сони кундан-кунга ортишининг боиси нимада?

Шоюнус Ғозиевнинг ҳар ойнинг илк жума куни узоқ вилоятлардан келган фуқароларни қабул қилмасдан ноумид қилиб қайтаришими?

Ёки қуйи суд тизимидаги судьяларнинг ғайриқонуний ҳукмлари, ноқонуний қарорлари аризачилар сонининг ортишига сабаб бўлмоқдами?

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Маълумки, Сурхон воҳаси Тошкентдан 1000 км. масофа олисда. Шундай бўлсада куйи суд ва конун идораларидан излаган ҳақиқатини топа олмаган 60 ёшли тадбиркор Каромат опа Қодирова раис ҳузурига кириш истагида ҳар ойнинг жума куни кун узок Олий суд биноси эшигида қоровуллик қилади. Ҳар гал умидсиз қайтади.

Бўритош Мустафоев даврида ҳам шу аҳвол эди, Ғозиев раислигида ҳам ҳамон шу ҳолат ҳукмрон.

Бунингдек ўзибўларчиликдан азият чеккан Каромат Қодирова умид билан Олий суд раиси Шоюнус Ғозиевга матуб битади: “Олий суд қабулига кириш учун Сурхондарёдек жойдан 60 ёшимда Тошкентга 1000 км. масофа босиб ўн бор келишга мажбур бўлдим. Келмоқнинг кетмоғи ҳам бор. Бу дегани шаҳар ичидаги ҳаракатларим билан кўшиб ҳисоблаганда 20 000 км.дан ортиқ масофани босиб ўтдим деган гап. Аҳвол шу зайилда давом этаверса, бутун ер куррасини айланиб чиқишга етгулик масофани босиб ўтиб, Генниснинг Рекордлар китобига кирмасам деб кўркаман”.

Бундай мазмундаги мактубни ҳар куни юзлаб фуқаролар битишига шубҳа йўқ. Наҳотки Олий суд раиси қабулга келган фуқаролар сонини меъёрида ушлаб туриш, халқни ортиқча оворагарчиликлар, йўл ҳаражатларидан асраш, оммада норозилик кайфиятини уйғотмасликнинг йўли бўлмаса? Бор албатта. Бунингдек кўнгилсизликларга барҳам бериш юзасидан таклифимиз: Нега энди Олий суд раиси Шоюнус Аюбжоновичнинг қабул кунини бир ойда бир маротаба эмас, икки ва ё уч кун деб белгилаш мумкин эмас? Бу қонунда таъқиқланганми? Ёхуд Ғозиев бир ойда фуқаролар учун уч кун қабул кунни қилиб белгиласа толиқиб қоладими?

Модомики, куйи суд идоралари ноҳақликка йўл кўяр экан, ноқонуний қарорларни имзолар экан, модомики, туман, шаҳар, вилоят суд тизимида адолат устивор бўлмас экан, модомики, Олий суд раиси қабулига эҳтиёж сезаётганлар сони кундан кунга ортиб борар экан Шоюнус Аюбжонович Ғозиев аҳоли арзини ойда бир эмас, ўн бора тинглашга мажбур.

Бизнингча шундай.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист, ҳуқуқ
фаоли



VimpelCom Каримовга «жуда яқин» кишига пора берганини тан олди

Би-Би-Си Ўзбек ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШ Адлия вазирлигига кўра, Голландиянинг VimpelCom ширкати ва унинг ўзбек ҳамкори Unitel ҳукуматнинг юқори лавозимли амалдорига 2006-2012 йилларда катта миқдорда пора берганини тан олган.

VimpelCom ширкати коррупция айбловлари бўйича 795 млн доллар миқдорда жаримани тўлашга рози бўлган. VimpelCom 2006 йилдан 2012 йилгача ўзбекистонлик нуфузли шахсларга мамлакатда бизнес олиб бориш учун 114 миллион доллар пора берган, деб қайд этган Қўшма Штатлар идораси.

Америка қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича комиссиянинг аниқлаштиришича, бу амалдор Президент Ислон Каримовга «жуда яқин» инсон бўлган. Бундан олдин чиққан хабарларда пора олган шахс президентнинг қизи Гулнора Каримова бўлиши мумкинлиги айтилган. Лекин унинг номи тилга олинмаган. Гулнора Каримова ўзига нисбатан айбловларни илгари рад қилган.

Ўзбекистонда бизнес қилиш учун тақдим қилинган пуллар турли мамлакатлар банклари орқали ювилган, дейди АҚШ Адлия вазирлиги. Жумладан, маблағларнинг бир қисми Америка молиявий идоралари орқали ҳам ўтказилган. Шу боисдан бу иш Қўшма Штатлар адлия тизимида қуриб чиқилмоқда.

VimpelCom ширкати таркибига «Билайн» операторининг эгаси Россиянинг «Вымпелком» ширкати ҳам қиради.

Утган йили июн ойида АҚШ Адлия департаменти Оврўпонинг бир неча банкларидан музлатилган Ўзбекистонга тааллуқли яна 300

млн доллар пулни ўз тасарруфига ўтказиш учун қонуний чора кўришни бошлаган.

Нью-Йорк маҳкамаси музлатилган пулларнинг тақдирини бевосита АҚШ билан муҳокама этиш учун Ўзбекистонга йўл очиб берган. АҚШ талаби билан коррупция терговлари юзасидан 300 миллион доллардан ортиқ маблағ турли банкларда ҳибс қилинганди.

АҚШ мулозимлари музлатилган маблағнинг коррупция тўловларини ювиш билан боғлиқ халқаро даражада уюштирилган фитнанинг бир қисми бўлганини даъво қилганлар.

Феврал ойи бошида Нью-Йорк маҳкамаси қабул қилган қарорига биноан, ҳакам ушбу иш юзасидан АҚШ ва Ўзбекистон расмийларига ўзаро музокара олиб бориш ва мумкин ечимга келишиш учун дастлабки уч ойлик муддат белгилаган.

Мазкур ҳужжатда баҳснинг “маҳкамадан ташқари қарор топиш эҳтимоли” мавжудлиги алоҳида айтиб ўтилган. Бу дегани уч ой давомида Америка ва Ўзбекистон расмийлари пулларнинг тақдири юзасидан музокара олиб бориб, маълум бир ечимга келишлари мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва йирик телекоммуникация ширкатлари билан боғлиқ тергов жараёни юзасидан АҚШ, Белгия, Люксембург, Швеция, Швейцария, Норвегия ва яна қатор Оврўпо мамлакатларида бир миллиарддан ортиқ АҚШ доллари музлатилган.

Ўзбекистон молиявий жиноятлар учун жавобгарлар аллақачон жазога тортилганини айтиб, маблағларни Ўзбекистонга қайтаришга бел боғлаган айтилади.

УХҲ хабарлар бўлими

Ўзбекистон ҳукумати халқни “байрамлар” билан алдашга уста. Мамлакатда кенг миқёсда нишонланадиган байрамларнинг саноғи йўқ. Чунки исталган бирор санани байрамга айлантириш мумкин. Мустақиллик, наврўз, конституция – алоҳида, жиддий масала.

Ҳукумат бир амаллаб байрамга етволса, бас, Каримов одамларни алдаш учун чиқиб нутқ ирод этади. Одамлар ҳам байрам баҳона “яйраб”, ўзларини яна кейинги “тантана”га қадар алдаб яшаш учун куч топадилар.

Алишер Навоий ва Бобур – турк халқларининг пешонасига битган қуёш, бир бахтдир. Аммо бугун

қилиш, ғояга қарши ғоя билан курашиш, Ватанга муҳаббат изҳор қилиш ва, албатта, Навоий, Бобур шеърларини мўл-кўл тарқатиш топшириғи берилди.

Бунинг “мева”сини кўриб турибсиз: бугун ЎзМУнинг журналистика факультети талабаларининг фейсбук ёки одноклассники.ру ижтимоий тармоқларига кирсангиз, Навоийдан камида битта шеър ва камида Ватанга қилинган битта изҳорни топасиз. Жуда ҳам ҳаяжонланиб кетган болалар эса байроқни ўпиб суратга тушиб эълон қилишяпти. Бу билан Ватанга муҳаббат изҳор этилган ҳисобланади.

14 февраль куни ўзбек ёшлари

эълон қилинди. Ҳикоянинг моҳияти ва ғояси – ўз йўлига, буни китобхон ва адабиётшунослар баҳолашади. Аммо асосий гап – ҳикояни ўзбек тилига ўғирган таржимондадир. Бугун Ўзбекистонда ижоди у ёқда турсин, исми-да тилга олиниши тақиқланган Муҳаммад Солихнинг таржимаси ҳисобланган ҳикоянинг Ўзбекистондаги ўзбек сайтида чоп қилиш жасорат намунаси.

Буни сайт муаллифи китобхонларни яхши ҳикоя билан таништириш ва адабиётга дахлдор бир иш деб баҳолайди, биз буни рад этмаймиз, биз ўз гапимиз билан мазкур ҳодисани сиёсийлаштирмаймиз, биз ўз гапимиз билан Давронбек

Махсус буюртма: Навоий ва Бобурни реклама қилинг ёки бир тўлқин

бу “бахт”, бу “қуёш” Каримов ҳукуматининг сиёсати учун хизматкорга айлантирилди. Худди бу сиймоларга совет давридаги муносабат каби.

Бу йил ОАВ, интернет сайтлари ёппасига Навоийни реклама қилишга киришди. Дабдурустдан боккан одам: “Ия, ўзбек халқи, ёшлар Навоийни ўқийдиган бўлиб кетибдими?!” – дея хайрон бўлиши мумкин. Аммо бу ўйиндир. Каримов ҳукумати уюштирган уйдирмадир.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус вазирлигидан Ўзбекистон Миллий университетига келган “котта”лар журналистика факультетига йўл олдилар. Улар факультет талабалари билан учрашдилар. Гапни одагга кўра узоқдан бошлашди: истиқлол, уни ҳимоя қилиш, ташқи душманлар, виртуал ҳужум ва ҳоказо. Алал-оқибат, миллий ғурурни уйғотиш учун нима қиляпсанлар? – деган сиёсий савол ташланди:

“Нега фейсбукда ўтирасану, мен Ватанимни севаман деб ёзмайсан?”

“Нега фейсбукда ўтирасану, миллий ғояларимизни тарғиб қилмайсизлар?”

“Нега одноклассникда ўтирасану, у ердаги ғанимларга қарши гап ёзмайсанлар?”

“Нега Навоийнинг туғилган куни келса-да, ҳеч биринг унинг шеърларини “пост” қилмайсанлар? Сенлар журналистсан!”

Хуллас, алал-оқибат журналистика факультети талабалари зиммасига ижтимоий тармоқларда миллий ғуруни ҳимоя

ўртасида Валентин куни сифатида кенг нишонланаётган эди. Бу – мустақуллик ўзбек ёшларига берган “фаҳруғурур”лардан биридир. Аммо ҳукумат ўзининг миллатпарвар экани исботи учун 14 февраль кунини Бобур куни деб эълон қилди. Артисларнинг барчасига Ўзбекнаво деган ташкилотдан Бобур кунини нишонлаш, унинг ғазалларини қуйлаш топшириғи амр этилди. Шунинг учун #Voburday деган ҳаштегни оммалаштиришга зўр берилмоқда. Гўё Навоий ва Бобур ҳаштеглари оммалаштириш билан омма бу икки буюк муаллифнинг асарларини ўқишга киришади! Аслида, бу хомхаёл. Шунчаки одамларни чалғитиши учун тўқиб чиқарилган сафсата. Сохта ва ялтироқ ишларни миллий ғурурни “тиклаш”, миллий ғурурни “ривожлантириш” ишлари уни муҳим деб тасбит этаётган одамларнинг онги қанчалик паст эканига далолатдир.

Навоий ва Бобурни “оммалаштириш” ҳукуматнинг фармонидир.

Мазкур фактлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ўзбек ёшлари характерсиз ва манкурт бўлиб қолган ва бу барчага маълум. Уларда мардлик, шижоат эмас, ўз йўли тўғри эканига улкан шубҳа, бу шубҳани билдиришдан эса катта кўркув бор.

Аммо шу билан бир қаторда ўтган ҳафтада рўй берган баъзи воқеаларни сизга сўйлаб берай.

Ўзбекистонлик журналист Давронбек Тожиалиевбошқарадиган зиёуз.ком сайтида Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикояси

Тожиалиевни муҳолифат тарафдори ҳам демаймиз, биз бу ерда унинг ЖАСОРАТини шарафлаймиз.

Ўзбекистонда Каримов сиёсатининг бузуқ ва эскирган машиналаридан бири ҳисобланган ёзувчилар уюшмасидаги воқеликни таъкидлаш лозим. Мустақуллик йилларида ўзбек ёзувчиси ва шоири, журналистлари ўз қиёфасини тамоман бой берди. Миллат фаҳри деб улуғланган, ўзини собиқ шўро даврида жабрланган деб эълон қилган жамики адиллар – ўзлари шўронинг лаганбардори бўлганларини “унутганлари” ҳолда (аслида ўз одағларига садоқат сақлаб) – Каримов тузумининг бичилган кулларига, хизматкорларига айландилар.

Уларнинг аввалида Абдулла Орипов исмли шахс туради. Бу шоир Каримовнинг ялтоқланувчи ялоқхўри эди. Каримов уни қахрамон деди, сенатор қилди, жуда катта имкониятларни берди, уюшмага раис қилди. Орипов ўз мавқеидан фойдаланиб бутун ўзбек адабиётини, шоир ва ёзувчиларни хорлади. Ҳамиша ўзининг номи биринчи бўлиб тилга олинишини истади. Пул топиш, бойлик орттириш истаги билан катта-катта жиноятларни, коррупцион ишларни амалга оширди.

Хусусан, Орипов ўз обрўсидан фойдаланиб чегарадан турли гиёҳванд моддаларни Ўзбекистонга олиб кириб, олиб чиқиб кетилишини таъминлагани ҳақида фактлар мавжуд. Кўплаб адилларни уюшмадан хайдаб, руҳан босим

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўтказиб, уларни касал бўлиб ўлиб кетишларига сабаб бўлгани ҳам аини ҳақиқат.

Бугун у гўё ўз ишларига афсус чекиб ҳар куни шеърлар битмоқда, ўз рақибларига ўткир сўзлари билан жавоб бермоқда. Аммо ақли бутун одам бу шеърлар унинг номаи аъмолидаги қора ёзувларни ўчира олмаслигини (Валлоху аълам!) бир қадар тушунади, зотан, амали ва сўз ўта фарқли бўлган бу иккиюзламачи лаганбардор шоир бугун Каримовнинг эътиборидан қолгани учунгина ўзини муҳолиф деб кўрсатмоқда, холос.

Бугун уюшмада ўтириб кўплаб жиноятларни амалга ошираётган фитначилардан бири – Ўзбекистон “Халқ” шоири Сирожиддин Саййиддир. Унинг уюшмага келиши Ориповга қилган “мехнат”лари орқали бўлди. Бугун у “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бош муҳаррир ва кўп жойларга тили етиб борадиган илон, кўли узун маймундир. У сурхонлик адиблар – Эркин Аъзам, Усмон Азим кабиларни саҳнадан олиб ташлади, Эшқобил Шукур каби шоирларни тегиб юборди. Ўзига рақиб бўладиган одамни қолдирмади. Ҳамтовоғи, кўрқоқ Иқбол Мирзо иккови Каримов ва унинг сиёсатини макташ билан шуғулланмоқда.

Уларнинг бошида эса Мухаммад Али исм “аждаҳо” ҳоким. У Каримов ва МХХга дум ликиллантиш учун тайинланган кучукдир. Думини яхши ликиллатса ва тилини қанча осилтирса, унинг мавқеи шунча дахлсиз бўлиб қолмоқда. Шу кунларда у Германияда ЎзМУ ректори Шухрат Сирожиддинов, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов билан биргаликда Навоий таваллудига бағишланган конференцияда. Навоийнинг куни Навоийнинг “нун”нига ақли етмайдиган учта бенамоз ва бетаҳоратга қолди.

“Сиёсий вазият” такозо қилди – уюшмадан 27 нафар адиб “ўчирилди”. Уларга қўйилган айблов маълум – истиқлолни куйламадилар улар. Рўйхатдаги номлар ичида Мухаммад Солиҳ, Эврил Турон кабиларни борлиги у қадар янгилик эмас, гап ўтган ўн беш йиллар давомида истиқлол, наврўз тантаналари учун сценарийлар ёзиб Каримов мафқурасига хизмат қилган Ўзбекистон Халқ шоири Хуршид Даврондир. Зотан, унинг бугунги сиёсатга қилган хизматлари

унутилмасдир. У “Ёшлар” телеканални бошқарди. Бирок уни ҳам “жазоладилар”.

Хуршид Даврон яқин йилларда ўзининг муҳолиф фикрларини у қадар яширмаётган шоирдир. Бугун кўплаб ёшлар унинг атрофига бирикмоқдалар. Чунки фақат унинг атрофида эркин фикрлаш имкони бор бўлса, иккинчидан, у ўзининг асл илдизига қайтаётгандек: у ўзида жасорат топиб, ёшларга асл ҳақиқатларни минг бир услубда бўлса ҳам англиштишга киришди. Унинг сайти бугун энг оммавий ўзбек адабиёти сайтидир.

Хуршид Даврон ҳолатни маълум қилди, бу фейсбук фойдаланувчиларидан бири таъкидлаганидек, биринчи тўлқин бўлди. Иккинчи тўлқин кутилмоқда.

Уюшмада 1000 га яқин аъзо бор. Уларнинг бирортаси узоқ йиллик қадрдонлари ҳайдалганлари учун уюшмага бойкот эълон қилишлари ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Агар улар, ҳеч бўлмаганда эллик киши уюшмадан ўз ихтиёри билан воз кечса, ёшлар ҳам уюшмага нисбатан ўз эътирозларини ошқора билдиришдан чўчимасалар, бу иккинчи улкан тўлқин бўлар эди. Зотан, Каримовнинг қатағон машинаси – қатағон майдалагичи шунча одамнинг қонини сўра оладими? Агар шунча одамни ҳам аямаса бу зулм, нега орқага тисланиш керак? Зулм қаршисида ортга қараб қадам босиш – ғирт хоинликдир. Зулмга тик бориш билан жавоб берилади. Зулмга уни янчиб ташлаш билан жавоб берилади.

Кўрқмаслик керак – агар ёзувчи ва шоирлар жим ўтирмасдан бирварақайига ўринларидан кўзгалсалар, бу эрк байрами бўлар эди. Агар бу кўзғалиш ёшлар кучи билан бойиса, икки қарра байрам бўлар эди. Аммо бу жасорат кимда бор экан? Ёки ўзбек адиблари фалажликда бичилиш доираси ичра қолаверадиларми?

Бугун ўзбек адабиётида ўз овозини топган ва топиб бораётган, ёшлар хурмат билан тан оладиган адиблар ушбулардир:

1. Жамол Камол.
2. Эркин Аъзам.
3. Назар Эшонқул.
4. Улуғбек Ҳамдам.
5. Исажон Султон.
6. Лукмон Бўрихон.
7. Алишер Назар.
8. Фахриёр.
9. Абдували Қутбиддин.
10. Хуршид Дўстмуҳаммад.
11. Тоҳир Малик.

12. Қозоқбой Йўлдошев.

13. Эшқобил Шукур.

Бу адибларнинг ёшлари турлича, биз рўйхатни бирор қонуният билан бермадик. Шунчаки, санадик, холос. Бу адиблар ўз ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ Каримов қатағонини чуқур англайдилар. Улар ҳамма ҳақиқатларни кўриб, билиб, қалблари ёниб, аммо кўрқув юзасидан нафас чиқаришга-да журъат этмаётган адиблардир.

Агар бу адиблар бирлашсалар, ўзларининг атрофидаги ёшларни ҳам бирлаштирсалар, мавжуд диктатурага ўз қаршиликларини изҳор этсалар, бу чинакам жасорат бўлар эди. Улар бу жасоратлари билан 25 йил давомидаги соқовликларини – жиноятларини оқлаган бўлар эдилар.

Улар ўз қарашларини мақолаларда акс эттириб ёритишлари керак, ёш қаламқашлар ҳам кўрқиб, ҳадиксирамасдан ҳаракатга тушмоқлари лозим. Зотан, бутун мамлакат оёққа турса, зулм синади. Агар ҳар бир вилоятдаги ёшлар бир ерга йиғилсалар ва намойишга чиқсалар, уларнинг олдларида номлари саналган адиблар пешқадам бўлсалар, бу мисли кўрилмаган жасорат ва мардлик бўлар эди. Зотан, бу – қатта куч. Бу куч қаршисида золимлар тиз чўкадилар.

Вақт етилиб келмоқда. Тонг ҳам отиши керак. Қачон ўзбек халқи кучга келади? Қачон уйғонади? Қачон оёққа қалқади? Қачон зулмга, бир шахснинг чексиз ҳукмронлигига, ҳаромхўрларнинг ситамларига қарши бош кўтаради?

Бугун ана шунини содир бўлишини орзу қиламиз. Агар кимки бунга қарши бўлса, шу йўлга чиққанларга ўқ отса, тиғ ўқталса, у – хоиндир.

Чунки агар адиб ва шоирлар халқ ҳимоясига отлансалар, улар ҳақ бўладилар. Улар каби дунёни теран англайдиган бошқа одамларни топиш қийин. Зотан, жасорат, мардлик бахти ҳаммага ҳам насиб этмайди. Шу бахтни бугун ўзбек зиёлиларида кўришни чин дилдан хоҳламоқдамиз.

Агар бу ишларни қилмасак, ўзбек халқи фарзандлари яна узоқ йиллар Навоий ва Бобурни реклама қилиш билан банд бўлишади... Кейин эса бу зулм ва манқуртлик оқибатида Ер юзидан ўзбек деган миллат қирилиб йўқ бўлиб кетади. Бу – сохта дағдаға эмас. Кўзи равшан, қалби сергак ҳар бир инсон кўриб турган ҳақиқат шудир.

Абдуллох Нусрат



Табиат қотиллари

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳри Чилонзор туманининг олтинчи мавзесида истикомат қиладиган аҳоли кўп қаватли уйлар ўртасидаги чинорзор кесилаётганига қарши норозилик билдирмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг рухсати билан бу ердаги ўнлаб олтмиш йиллик чинорлар кесила бошланди. Автомобиллар турар жойи ва иккита кўп қаватли уй қурилиши режаланган бу жой, шаҳарликлар фикрича, энг гўзал чинорзор, дам оладиган маскан ва болаларнинг ўйин майдончаси бўлган.

Тошкент шаҳри Чилонзор туманининг олтинчи мавзесида аҳолининг чинорлар кесилишига қарши норозилиги икки кундан буён давом этмоқда.

15 февраль куни эрталабдан кўп қаватли уйлар ўртасидаги 182 туп олтмиш йиллик чинорларни оммавий кесиш ишлари бошланди.

Тошкентликлар чинорлар аёвсиз

кесилаётган ҳолатларни сурат ва видеотасвирга олиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқата бошлади. Улар пойтахт расмийларидан бу ваҳшийликка чек қўйилишини талаб қилмоқдалар.

Fergananeews.com сайтыда эълон қилинган фото ва видеоларда кесилган чинорларни автомобилларга юкланаётгани, аҳоли билан қурилиш мулозимлари ўртасидаги жанжаллар тасвирланган.

Курувчилар “Приорити Стандарт” МЧЖга олтинчи мавзенинг бир гектар ерида қурилиш олиб бориш учун шаҳар ҳокимияти рухсат бергани ҳақидаги қарорни одамларга кўрсатган. Лекин қарорда қурилишнинг аниқ жойи кўрсатилмаган.

Чилонзор туманининг олтинчи мавзесида истикомат қиладиган Лариса исмли аёлнинг айтишича, одамлар ҳокимиятнинг бу қароридан жуда дарғазаб бўлган:

— Кеча мана шу уйларда яшовчи

уйлардан эликдан ортиқ қаттиқ норозилик билдирди. Одамлар йўлни тўсди, КамАЗ ҳайдовчиси эса босиб келаверди. Қий-чув, тўполон бўлди. Ишчилар аҳолининг норозилигига қарамасдан қурилиш бўладиган жойнинг атрофини ўраб олди. Лекин тепадан кесилаётган чинорларни кўриб, юрагимиз эзилиб кетяпти. Ўтган асрнинг 60 йилларида ота-оналаримиз бу ерни боғ, чинорзор қилган эди. Бу чинорзор аҳоли учун кислород, дам олиш жойи, жазирама иссиқдан ҳимоя, болалар учун ўйин жойи эди. Шафқатсизлар ҳеч кимнинг фикрини инобатга олмаяпти, деди Лариса.

Унинг айтишича, аҳоли ўзи танлаган вакиллар икки кундан буён расмийларга мурожаат қилмоқда, лекин наф бўлмапти:

— Бунга норозилик билдирилган 300 яқин имзо тўпланди. Вакиллар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига боришди, у ердан натижа бўлмади. Кейин президент девонига боришди. Девондагилар “ҳаммаси қонуний, норози бўлсаларинг судга беринглар”, дебди. Хуллас, ҳеч ким ёрдам бермаяпти, деди Лариса.

Тошкентлик мустақил журналист Сид Янишевнинг айтишича, одамларнинг чинорларнинг кесилишига қарши эътирозлари шу пайтгача эътиборсиз қолиб келган:

— Ҳамма билади яхши иш бўлмаётганини. Лекин ҳеч ким масъулиятни ўз бўйнига олмайди. Биз буни тажрибадан биламиз. Бундай ишлар ҳокимиятнинг рухсатисиз қилинмайди. Чунки, ер давлатники. Улар одамлар фикри билан ҳисоблашмайди, хоҳлаган ишларини қилишади. Лекин ҳеч ким овоз чиқариб мен шундай қарор бердим, деб айтмайди, деди Сид Янишев.

16 феврал куни ҳам одамларнинг норозилиги давом этди. Лекин курувчилар қурилиш бўладиган жой атрофини ўраб олиб, чинорларни кесиш ишларини давом эттирмоқда.

Атрофдаги уйларда яшайдиган одамларнинг балкон ва деразалардан бу аянчли манзарани кузатишдан бошқа иложлари қолмаган. Тошкентда яна бир гўзал ва салқин чинорзор йўқ қилиняпти.

Тошкент шаҳар ҳокимиятидан бу масалага муносабат олишнинг имкони бўлмади.

Манба: «Озодлик» радиоси



«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкент шахрининг Ракат, Салом чойхона, Себзор, Жар Ариқ маҳаллаларида яшовчи ўндан ортиқ одам Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ҳибсга олинган. Салафийлик диний оқимига алоқадорликда айбланаётган бу ёшлар илгари АҚШда ишлаб Ўзбекистонга қайтиб келган. Ҳибсга олинганларнинг оила аъзолари бу ҳақда ҳеч кимга ахборот бермасликлари ҳақида огоҳлантирилганини айтмоқда.

Озодлик олган маълумотларга кўра, сўнгги бир ой орасида Тошкентнинг Ракат, Салом чойхона, Себзор, Жар Ариқ маҳаллаларида яшовчи 14 киши ҳибсга олинган.

Бу йигитларнинг аксарияти илгари АҚШ ва бошқа хорижий давлатларда ишлаб қайтган ёшлар эканлиги айтиляпти.

Овози ёзиб олинмаслик шарт билан гапирган тошкентлик маҳалла фаолларидан бирига кўра, бу йигитлар салафийлик диний оқимига алоқадорликда айбланмоқда.

Озодлик ҳисбга олинганларнинг

баъзилари исми-шарифини аниқлашга муваффақ бўлди.

Ҳибсга олинганларнинг яқинларидан олинган маълумотга кўра, АҚШнинг Флорида ва Виржиния штатларида ишлаб қайтган 31 яшар Шерзод Абдуллаев, 37 яшар Дониёр Аҳмедов,



Тошкентда АҚШ ва бошқа хорижий давлатларда ишлаб қайтган 14 киши ҳибсга олинган

35 яшар Мансур Шомансуров, 42 яшар Нодир Туробов, 30 яшар Анвар (фамилиясини аниқлаш имкони бўлмади – таҳририят) аввал ўн беш суткалик қамоққа олинган, сўнгра улар устидан жиноят иши кўзгатирилган.

Бу одамларнинг баъзилари уч йил аввал, баъзилари яқинда хориждан қайтгани айтилади.

Ҳибсга олинганларнинг яқинлари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан

қаттиқ кўрkitилгани боис, бундан ортиқ маълумот беришни исташмади.

Бундан ташқари яна ўндан ортиқ одам ҳибсга олинган. Лекин Озодлик уларнинг исм-шарифларини аниқлай олмади.

Ҳибсга олинганлар орасида Бирлашган Араб Амирлигида ишлаб қайтганлар ҳам, Умид жамғармаси йўлланмаси билан АҚШда бўлганлар ҳам бор.

УХХ хабарлар бўлими

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олий судига

Даввогарлар: Хоразм вилояти Хива тумани "Эски Қиёт" кишлоғи "Қўшчи Каттабоғ" маҳалласида яшовчи Каландаров Сапа (01-01.1936 йилда Хива туманида туғилган, паспорт: CR 0099875

Хива шаҳар ва туман ИИБ томонидан 14.11.1995да берилган) ва 28.06.1973да туғилган,

юқоридаги манзилда яшовчи (паспорт: АА 2922715, Хива тумани ИИБ томонидан 12.09.2013 да берилган) Каландаров Рашидбек

адолат излаб Хоразм вилояти ва Республика микёсида турли ҳуқуқ-тартибот идораларига

(Моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида) Жавобгар: Жабборов Фарход Тахирович

ва унинг шерикларига нисбатан даъво аризамни тақдим қилиб, қонуний чора кўрилишини сўраб, мурожаатлар қилганман. Аммо уларнинг кўрилиши орадан бир неча йиллар ўтса-да, сансоларлик, таниш-билишлар иштироки асносида пайсалга солиниб келмоқда.

Ҳақиқатни аниқлаш мақсадида

аниқланмай, одил судлов амалга оширилмаяпти.

Ҳақиқатни аниқлаш

Ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг энг муҳим принципларидан бири бўлиб (ЖПК 22-м.), суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга жиноят ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини, унинг содир этилишида ким айбдор эканлигини ҳамда шулар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаш вазифасини юклатади.

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун сўроқ қилишни ҳамда бошқа тергов ва судлов ҳаракатларини ҳолисона ўтказиш зарур. Ушбу талабларнинг бажарилмаслиги ҳақиқатнинг аниқланишига имкон бермайди ва кейинчалик ҳаттоларга ва нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Жиноят бўйича тергов ўтказиш жиноят ҳодисаси ва турли тусмолларни илгари суриш билан боғлиқ ҳар хил текширувларни ўтказишга мажбур этади. Бундан ташқари, ушбу тусмол(тахмин)лар аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак, чунки бунда айбланувчи ёки судланувчини оқлайдиган, унинг

(Давоми кейинги саҳифада)

Ариза

Жавобгар: Жабборов Фарход Тахирович,

20.05.1978 йилда туғилган (паспорт: CR 0964125 20.05.2003 да Хива тумани ИИБ томонидан берилган) Хива тумани Р. Мадаминов ш/х 6-бўлимида рўйхатда туради

АРИЗА

(ИЛТИМОСНОМА)

Хурматли адолат посбонлари!
Мен узоқ муддат давомидан

муаммоларга тааллуқли жараёндаги фактларни тақдим қилганимга қарамай, улар инobatга олинмай, фақат вақт ўтказиш эвазига, миллиардлаган пулларни ўмарган фирибгарга очик йўл бериб, ўғирлик туфайли бойлик ортирган собик банк раҳбарининг шахсий бойликларини яширишига, шу билан Одил суд қарорининг ижросидан қутулиб қолишига имкон яратиб берилмоқда. Барча кўриб чиқилган ишлар бир тамонлама текширилиб, ҳақиқат

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

аҳволини енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатлар текширилади.

Жиноят иши бўйича терговни холисона ўтказиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят ишидаги мавжуд ҳолатларнинг воқеликка мос келиш-келмаслигини аниқлашдан, далилларни тўплаш, қайд этиш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир, чунки жиноят ишининг барча иштирокчиларига салбий ёки ижобий нуқтаи назардан ёндашиш мумкин эмас. Бунда улар холис ҳамда айблашга ёки оқлашга мойилликдан эркин бўлиши керак. Агар иш бўйича қандайдир ҳолатларнинг холислиги шубҳа уйғоца, суриштирувчи, терговчи, прокурор, халқ маслаҳатчилари, судья ишни юритишдан четлаштирилади.

Шундан келиб чиқиб мен ва жавобгор Жабборов Фарход Тахировичга тегишли бўлган барча ишларни Хоразм ва Қорақалпоғистон вилоятидан бошқа ҳудуддаги ҳуқуқ-тартибот идораларида текшириб, одил судловни амалга оширишни талаб қиламан.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига ҳамда 1021-моддаларига асосан Жавобгар: Жабборов Фарход Тахировичдан менга етказилган моддий зарар учун жами 169.000.000 (Бир юз олти миш тўққиз миллион) сўм, маънавий зарар учун 2000000 (икки миллион) сўм жами 171000000 (бир юз етмиш бир миллион) сўм ундириб беришингизни сўрайман

Менинг даъво аризамни кўриш учун, мен нафақўхўр, ногирон қария эканлигим ва катга миқдорда зарар кўрганлигим туфайли, менга зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда давлат божи ундириб олиб, Фуқаролик ишлари Боғот туманлараро судида кўриб чиқилиши бўйича илтимосимни қаноатлантиришингизни сўрайман.


Илова: Яшаш жойидан маълумотнома;

Паспортдан нусха;

Нотариус қароридан нусха;

Даъво ариза нусхаси 2 дона.

Даъвогар: Каландаров Сапа
**ЎХХ таҳририятига келган
мактуб**



Хатлар йўқолиб қолмоқда

Хоразм вилояти «Нажот» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотига фуқаролар йўллаган шикоят-арзномоларда кейинги пайтда фуқаролар томонидан турли поғонадаги ҳуқуқ-тартибот идораларига йўлланган шикоят хатлари йўқолиб қолиши, келган жавобларда ҳеч нима бўлмай, конвертнинг бўм-бўш чиқиши ёки жавобсиз қолиш ҳолатлари, баъзан қонуний муддатда кўрилмай, пайсалга солиниши, алоқа воситаларида номаълум телефон рақамларидан қўнғироқ қилиб, шикоят аризаси ёзганларни кўрkitиш ҳоллари учраётгани қайд этилган.

Жумладан:

Хазорасп туманида яшовчи Қадам ака турли давлат органлари – ҳокимлик, прокуратура, милиция идораларига йўллаган арзнома ва сўров хатларига жавоб олмаётгани, шахсан у мазкур идоралар томонидан қабул қилинмаётгани, ахборот воситаларида эълон қилинган турли идораларнинг телефонларига уланиш амалга оширилмай қолаётганидан шикоят қилиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлаётганини билдирган.

Шунингдек, фермерлик фаолияти масаласида адолат учун ҳақиқатни аниқлаш мақсадида турли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилаётган Гурлан туманидан Энажон опани айтишича, унинг турмуш ўртоғи Хоразм вилояти Гурлан туманидаги “Ражаб Полвон” фермер хўжалиги раҳбари Полвонов Бахтиёр (“Шоликор” қишлоғи “Янгиобод” ММТП ҳудуди) унга тегишли ер майдонини тортиб олиб, амалини суиистеъмом қилувчи, илгари фирибгарлиги сабаб судланган, фермерлик ишига нўноқ бир амалдор — “Янгиобод”

ММТП раиси ва “Янгиобод” СИУ раиси лавозимида ишлаган Болтабоев Улуғбекга олиб берилаётганлигидан норози бўлиб, турли давлат ва ҳуқуқ-тартибот идораларига ёзган хатлари ва уларга келган жавоблар манзилига етмасданоқ жавобгар томондан очиб ўқилишидан хавотирга тушмоқда.

Буни қарангки, Олий мажлис сенатидан унга келган жавоб хати йўққа чиқарилиб, ичидаги хати олинган, бўш конверт унинг муаммосига маъсул бўлган шахснинг фарзанди бошчилигида эшиги олдида ташлаб кетилаётганида, кўлидан олинган. Унга келаётган хатларни почта ходими тарқатмай, фермернинг муаммосига тааллуқли шахсларни кўлига етказиб бериши жуда шубҳали ва ажабланарлидир. Ваҳоланки Ўзбекистон Республикасининг почта ҳақидаги қонунида ҳар қандай буюртма хат имзо қўйилиб олди-берди қилиниши ва почтанинг бунга жавобгарлиги ёзиб қуйилган.

Хазорасп тумани Питнак қишлоғи “Шехлар” маҳалласида яшовчи Бекчанова Малика Батировна ва ўғли Йўлдошев Муроджон Қаландарович шу қишлоқда яшовчи фуқаро Солаев Дониёр Сейилхонович таниш-билишчилик ва бошқа ноқонуний йўллар билан Маликанинг оиласига тегишли ер майдонининг 100 кв.метр қисмини эгаллаб, ўзиники қилиб олгани ва бунга маъсул ташкилотлар ишни бир томонлама текшириб, сохта ҳужжатлар воситасида Солаев Д.С. фойдасига ҳал қилаётганидан шикоят қилган. Солаев Дониёр оила аъзолари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билан бирга Маликани ва ўғлини бир неча маротаба ҳақорат қилиб, дўппослаб, тан жароҳати етказган. Аммо уларнинг бу қилмишлари ҳам тегишли идоралар томонидан текширилмай, бости-бости қилиб келинмоқда.

Малика Бекчанованинг Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўз шахсий мулки талаби билан қилган ёзма мурожаати, маҳаллий амалдорлар устидан ёзган хатига келган жавоб хати бир ойдан сўнг ярқисиз аҳволда, нусха кўчирилиб, унга почтаци томонидан эмас, ўзга бир шахс томонидан келтириб берилган. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган. Ҳозирча Олий суддан келган ҳақиқий адолатли жавоб хатини топишнинг имкони бўлмади. Натижада амалдорлар ёрдамида ўзгаларни шахсий мулкни тортиб олган фуқаро жазосини тортмай, Малика иддао қилаётган адолат ва ҳақиқат тикланмай, инсон манфаатларига зид иш тутилмоқда.

Шовот тумани Ш.Рашидов кўчаси 15-уйда яшовчи Эшманов Валибек Давлатёрович отаси Эшманов Давлатёр билан бирга милиция ИПХ ходими Аҳмедов Жамол томонидан Валибекнинг фуқаролик ҳуқуқлари поймол қилиниб, унга жабр-жароҳат етказилиб, суд томонидан унинг айби ҳаспўш қилиниб, барча айб Валибеккага тўнкалиб, жазога тортилишига сабаб бўлаётганига норозилик билдирган.

Бу воқеа жараёнида транспорт ичида йўловчи бўлиб ўтирган фуқаро айби бўлмаган ҳолда ИПХ ходими томонидан қалтқиланиши, суриштирув пайтида жиноятни жабрланувчининг бўйнига кўйиш мақсадида каттик қийноқларга дучор қилиниши, суд экспертлари хулосаси асосиз бўйруққа асосан амалга оширилиши, тергов суриштирув ходимларини бир томонлама қилган айблови туфайли адолатни излаган ота ва болага ноҳақ очилган жиноятнинг юқори турувчи орган ходимлари томонидан қонуний текширилмаслиги, уларнинг адвокати мазкур иш жараёнида юз берган 21 та процессуал камчилик ва хатога йўл кўйилганини аниқласа-да, иш ҳануз қайта кўрилмаётгани ҳақида “Нажот”га мурожаат қилган.

ИПХ ходимини ота-онасидан

кўрққан маҳаллий адолат пешволари порахур ИПХ инспектори Аҳмедов Жамол Сабировичга нисбатан қонуний чоралар кўришга ор қилишган. Шунингдек, Валибек милиция ходими Жамол аҳмедов суддан кейин уларни ҳақоратлаб: “Сизнинг бешта аризангиз ҳеч нимани ҳал қилолмайди. Менинг 5000 АҚШ долларим мен учун қонун”, деган. Натижада қайта ҳақоратланиб, ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлган Валибек ва унинг отаси Хоразмда адолатни топиш қийин деган фикрга келишган.

Хоразм вилояти Хива тумани “Эски Қиёт” қишлоғи “Қўшчи Каттабўғ” маҳалласида яшовчи Каландаров Сапа ва юқоридаги манзилда яшовчи Каландаров Рашидбек узоқ муддат давомида адолат излаб Хоразм вилояти ва республика миқёсида турли ҳуқуқ-тартибот идораларига (Моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида) Жавобгар: Жабборов Фарход Тахирович ва унинг шерикларига нисбатан даъво аризасини тақдим қилиб, қонуний чора кўрилишини сўраб, мурожаатлар қилган. Аммо уларнинг кўрилиши орадан бир неча йиллар ўтса-да, сансоларлик, таниш-билишлар иштироки асносида пайсалга солиниб келмоқда.

Сапа Каландаров ҳақиқатни аниқлаш мақсадида муаммоларга тааллуқли жараёндаги фактларни тақдим қилганига қарамай, улар инобатга олинмай, фақат вақт ўтказиш эвазига, миллиардлаган пулларни ўмарган фирибгарга очик йўл бериб, ўғирлик туфайли бойлик орттирган собик банк раҳбарининг шахсий бойликларини яширишига, шу билан Одил суд қарорининг ижросидан қутулиб қолишига имкон яратиб берилмоқда. Барча кўриб чиқилган ишлар бир томонлама текширилиб, ҳақиқат аниқланмай, одил судлов амалга оширилмаяпти. Хива шаҳри К.Матқаримов кўчаси 4-уйда яшовчи ва рўйхатда турувчи Жуманиёзов Ражаббой Каримберганович Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2015 йил 15 сентябрдаги у ва ишга даъвогар сифатида жалб қилинган Юсупова Гулчехра Эргашевнанинг жавобгарлар Юсупова Шалман, Хива тумани ҳокимлиги ҳамда Хива туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат қорхонасига нисбатан туман ҳокимининг қарорини ва кадастр ҳужжатларини ҳақиқий

эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ва бу қарорни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти апелляция инстанцияси чиқарган ажримга норозилик билдириб мурожаат қилган.

Чунки, ушбу иккала суд ҳам ҳақиқий ҳолатни, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқламасдан, асосли чоралар кўрмасдан, Хива тумани ҳокимлиги ва кадастр хизмати вакили судга келмаса-да, ишларни уларнинг иштирокисиз, судга келган гувоҳларнинг кўрсатмаларини олмасдан кўриб чиққан. Шунингдек, улар томонидан судга тақдим қилинган ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Қарор шошма-шошарлик билан, ноқонуний равишда қабул қилинган. Натижада у ўз меҳнати сингган шахсий мулкидан маҳрум бўлиб қолмоқда. “Нажот” бу каби инсонларга ҳам ҳуқуқий ёрдам қўлини чўзиб келмоқда.

Қонун устиворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. У ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қабул қилинган қонунлар, ахлоқий меъёрларга амал қилинмайдиган, фуқаролари қонунни писанд қилмайдиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди. Қонун устуворлигига ҳилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, “Нажот” ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли мутахассислардан ушбу ҳолатлар бўйича қатъий қонуний чоралар кўришни талаб қилади. Ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг, айниқса, амалдорларни бирламчи бурчидир.

Хайтбой ЯҚУБОВ, Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти раиси

ЎХХ таҳририятига келган мактуб

Шу кунларда “�збекистон Ёзувчилар уюшмасидан 26 нафар адиб ҳайдалди” деган хабар тарқалди. Бу хабар ижтимоий тармоқларда ҳаво очик куни момақалди роқ гумбурлагандек таъсир кўрсатди.

Одамларнинг муносабатлари дан “ҳайдалиш” воқеасининг ўзи ҳам, у сирли рўйхатдан жой олган адиб ва шоирларнинг таркиби ҳам жамиятни ҳайрон қолдиргани билинди.

“Қора рўйхат”да 23 йил бурун сиёсий тазйиқлар туфайли юртдан чиқиб кетишга мажбур қолган шоир Муҳаммад Солиҳдан тортиб, номи ҳеч қанақанги қора рўйхатга тушишга лойиқ бўлмаган Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давронгача борлиги айтилди.

Сулаймон Раҳмон, Гулчехра Нуруллаева, Ёдгор Обид, Мамадали Маҳмуд, Нортўхта Қилич, Саломат Вафо, Юсуф Жума ва ҳоказоларнинг номи саналди.

Рўйхатни ҳеч ким аниқ кўрмади, лекин ҳайдалганлар таркиби барибир эътиборни тортди.

Чунки, билишимизча, Муҳаммад Солиҳ уюшма аъзолигидан Абдулла Орипов Уюшма раислиги пайтида чиқарилган, Мамадали Маҳмудов узоқ йиллар қамокда ётгани учун ўчирилган, Сулаймон Раҳмон нафақага чиқишда керакли ҳужжатларни тўғрилаб бера олмаган уюшмадан ўзи ариза ёзиб чиқиб кетган, Нортўхта Қилич ҳақида ҳам шунга ўхшаш хабар чиқди, Юсуф Жума қочоқ сифатида, Саломат Вафо порнографик асар ёзгани учун... хуллас, ҳамманинг тақдири ҳар хил.

Бугун “Озодлик” тарқатган хабарга кўра, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг янги ўринбосари ижтимоий тармоқларда муҳокама бўлаётган “рўйхат”ни уйдирма дебди.

Лекин кўплар уюшма аъзолигидан ўчирилганини инкор ҳам этмабди.

Худди мана шу нарса диққатни тортади.

Тепада саналганлар ҳар хил пайтда уюшмадан ҳайдалган ё қетган бўлса, нимага бу хабар Ўзбекистонга айна бу кунларга келиб, яна бунинг устига ҳаммани



Раиснинг “паймонаси” тўлмоқда. Ким раис бўлади?

бир қаторда санаб “чиқарилди”?

Тахминимизча, бу “уйдирма хабар” жамиятда фавқуллодда ўзгаришларни ясаши керак эди. Биз олдинги бир мақоламизда узоқ йиллардан бери Давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаётган ёзувчи Хайридин Султоновнинг мавқеи пастлаётгани ҳақида сўз юритган эдик.

Унинг ўрнига кўриниши кўйда «ювош шоир» Салим Ашур тайинланишини маълум этгандик.

Бу тахмин айна можаролар доирасида ўз тасдиғини топиши мумкин.

Хайридин Султон президент девонидан қуш каби қанот қоқиб, Ёзувчилар уюшмаси пештоқида кўниши кутилмоқда.

Бобур Алимовдан кейин уюшмада даврон сурган Муҳаммад Али эса шармандаларча кетиши аниқ бўлиб қолди. Муҳаммад Али Хайридин Султоннинг амри билан ишлар эди, энди яна ўша Хайридин Султоннинг амри билан ишдан кетади. Ишдан кетганда ҳам – таъкид этдик – юзи шувут шаклда кетади. Ўзи уюшмага ёш, навқирон Бобур Алимовдан кейин кекса, касалванд Муҳаммад Али тайинлангани кўплар келажақда худди шундай режа борлигини тахмин қилган эди. Ўшанда айрим ёзувчилар очик: “Хайридин Султон ўзига жой ҳозирляпти!” деб айтган ҳам.

Бу ўйин – уюшмадан

ёзувчиларнинг ёппасига ўчирилгани ва улар сафида Халқ шоири Хуршид Даврон ҳам борлиги ҳақидаги “уйдирма хабар” чиқиши – Муҳаммад Алининг обрўсини тўкиш, кимлар бунга қандай муносабат билдиришини аниқлаш учун амалга оширилди.

Бугун Ўзбекистонда уюшманинг обрўси йўқлиги маълум. Бу ташкилот ҳақни ҳимоя қиладиган эмас, балки ҳақни поймол этадиган марказга айланди. Янги “раис” келсин-чи, қандай каромат кўрсатаркин? Агар, айтилганидек, Хайридин Султон уюшмага раис сифатида тасдиқланса, унинг Девонда бўшаган ўрнига тайинланиши тахмин қилинаётган Салим Ашурга у бўйсунадими?

Салим Ашур табиатан юмшоқ ва ҳар қандай фармонга итоат этиб кетаверадиган одам.

Балки Хайридин катта даргоҳдан кетса ҳам, унга қарши чиқишга Салимнинг иродаси ожизлик қилар!?

Умуман, нима бўлганда ҳам, Ўзбекистондаги барча соҳа МХХнинг кузатуви остида. Хайридин Султон катта ёзувчи ё собиқ катта арбоб бўлса ҳам, у МХХ чизиб берган чизикдан чикмаслиги аниқ.

Мазкур талотўп замонда дўппини четга қўйиб бир нафас ўйлаб олишимиз ҳам керак. Гап шундаки, аслида одамларга ҳақни етказиш, ноҳақни кўрсатиб бериш иши билан вазифалантирилган адибларнинг бу каби фитналар оғушида қолгани миллатнинг фожиасидир.

Ёзувчилари, шоирлари ҳақ сўзни айтиш ўрнига ўз обрўсини золим ҳукумат берган ювинди эвазига кўтаришни истади. Ёзувчи ва шоирлардан кўра замон ва дунёни теран англовчи шахслар бўлмайди, аммо улар ҳаммасини англаб илоҳий қонуниятларга тикка қарши боришларини қандай изохлаш мумкин?

Мен вазиятни узоқ йиллардан буён кузатаман.

Бир-бири билан жикқамушт бу қавм..

Абуллоҳ Нусрат



Хоразмда фермерлар қийинчиликларга дуч келмоқда

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фермерликка кенг йўл очилди. Аммо фермерларга тўла эркинлик берилмаганлиги, уларнинг давлат идораларига қарамлиги, ҳуқуқлари чекланганлиги, амалдорлар ва бошқа мутасадди шахслар текин даромад олиш мақсадида фермерларнинг банклардан кредит олиши, техника ва ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотини чигаллаштириб, сунъий тўсиқлар яратиб, фуқаролардан ноқонуний пул ундириш ва давлат мулкини талон-тарож қилиш системасини вужудга келтирётганлиги фермер хўжалиқлари ривожига салбий таъсир ўтказмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам фермер хўжалиқларига қонуний фаолият кўрсатиш учун шароит яратиб бериш ўрнига, сансалорлик, бефарқлик, эркин фаолиятга тўсқинлик, таниш-билишчиликка йўл қўйиш каби ҳолатлар кўп учрамоқда. Фермерларнинг ўзлари айтишича, уларда қонуний равишда хўжалик ишини юритиш имконияти мавжуд эмас, Улар, шу ҳудуддаги қишлоқ аҳолисини ишга қабул қилиб, ишсизликка барҳам беришга молиявий жиҳатдан қодир эмаслар, шунинг учун фақат қариндош-уруғларини хўжалик даласида ишлатиб, меҳнат учун тўловни солигини тўламасдан ноқонуний равишда амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар.

Фермер хўжалиқларига қарашли ерлар уларнинг раҳбарлари томонидан қишлоқ аҳолисига бир мавсум ёки бир йил муддатига сотилади ва ҳосил ўрнига давлатга ерларни сотиб олганлардан йиғилган пул топширилади. Баҳор келиб, далаларда экин-тикин жараёни бошланганда, айниқса,

фермер хўжалиқларини ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда катта муаммо юзага келади. Ишнинг қайноқ вақтида техника тўхтаб қолса, фермер нима қилишни билмай қолади.

Мониторинг ва мурожаатлар асосида “Нажот” ташкилоти томонидан 2015 йил давомида Хоразм вилояти бўйича фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши, уларга қарши маҳаллий амалдорлар томонидан зўравонликлар ишлатилиши, фирибгарлик билан ерлари тортиб олинишига оид 15 та ҳолат аниқланди. Уларнинг аксарияти вилоятнинг Ҳазорасп, Хива, Боғот, Гурлан туманлари ва вилоятга қўшни Қорақалпоғистон Республикасидан содир этилмоқда.

Айниқса, Гурлан туманида бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар тез-тез такрорланаётганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, тумандаги “Ражаб Полвон” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Полвонов Гурлан тумани ҳокимлиги унга тегишли ер майдонини тортиб олиб, амалини суиистеъмол қилувчи, илгари фирибгарлиги сабаб судланган, фермерлик ишига нўноқ бир амалдорга олиб бераётганлигидан норози бўлмоқда. У 2002 йилда турмуш ўртоғи Жуманова Энажон раҳбарлигида Гурлан тумани “Шоликор” қишлоғи ҳудудида “Ражаб Полвон” фермер хўжалигини 30 гектар ер майдонида ташкил этган. Йиллар давомида ер майдони кенгайиб, 2014 йилгача 122 гектар майдонда фермерлик фаолиятини олиб борган. 5 гектар ташландиқ ерни ўз маблағи ҳисобидан ўзлаштирган. Ер майдонини олган пайтида ернинг балл банитети 38-45 ц/гани ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 60 ц/гани ташкил этган. 2013 йилгача бирор

марта фермер хўжалиги давлат томонидан белгиланган режаларни бажармасдан қолмаган.

Мазкур хўжалик ер майдонларининг асосий қисми насосдан фойдаланмасдан суғорилиш имкониятига эга. Яъни “Қиличбой Арно” канали бўйида жойлашган. “Янгиобод” ММТП раиси ва “Янгиобод” СИУ раиси лавозимида ишлаган “нуфузли” амалдор Улуғбек Болтабоев бу ерга кўз олайтириб, уни қўлга киритиш режасини тузган. 2013 йилдан бошлаб, туман ҳоқими Мадраҳимов.Қ ва амалдор Болтабоев.У фермер хўжалигининг ҳар бир ишига аралашиб, ҳалақит бериши, дизель ёқилғилари ва минерал ўғитларини ўз вақтида бермаслиги натижасида 2013-2014 йилларда фермер хўжалиги давлатга пахта топшириш бўйича шартномани 84-81 фоизга бажаради. Не машаққатлар билан етиштирган пахтани териб олишда ёрдам бериш ўрнига, унги сунъий тўсиқлар қўйишади.

Улуғбек Болтабоев ўша пайтда фермер хўжалиги раҳбари бўлган Энажон Жумановани ММТП гаражида бўлган йиғилишда барча фермерлар олдида курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилган, ҳатто уни уришга ҳам югурган. “Янгиобод” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Хўжаниёзов ҳам уни урмоқчи бўлган. Жуманова Энажон уларнинг бу ҳаракатларига чидолмай, 2014 йил август ойида нафақага чиқди.

Шундан кейин, фермер хўжалигига Энажоннинг тумуш ўртоғи Бахтиёр Полвонов раҳбарлик қила бошлади. Бунга қарши, 2014 йил 1 декабрда Гурлан тумани ҳокимининг “Ражаб Полвон” фермер хўжалиги ер майдонини қайтариб олиб, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида 1323-сонли қарори чиқарилди. Б.Полвон номидан ер ижара шартномасини бекор қилишни сўраб ёзилган ариза сохта бўлиб, унга ҳокимликдагиларнинг ўзлари сохта имзо қўйишган (Сохта имзо бўйича экспертиза хулосаси мавжуд).

“Ражаб Полвон” фермер хўжалигига тегишли 83,8 гектар ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши, шартномани бекор қилиш белгиланди. Орадан 2 ой ўтмасдан фермер хўжалигига тегишли ер майдони Гурлан тумани ҳокимининг 2015 йил 21 январдаги 104-сонли қарори билан Улуғбек Болтабоевнинг отаси раҳбарлигига расмийлаштирилган, аслида У.Болтабоевнинг ўзи бошқариб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

келаётган “Муҳандис” фермер хўжалигига берилди. Ғўёки амалдор мақсадига етди.

Б.Полвонов туман ҳоқими қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб Фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд 2015 йил 3 июлда даъво аризани қаноатлантириш, ҳоқимнинг 2014 йил 1 декабрдаги 1323-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Лекин шунга қарамай унга ерини қайтариб беришмади. Шундан кейин у Хоразм вилояти хўжалик судига даъво аризаси йўллади. Мазкур суд 2015 йил 5 октябрда “Ражаб Полвон” фермер хўжалиги ер майдонларини “Муҳандис” фермер хўжалигидан қайтариб олиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Аммо Улуғбек “Менга ерни суд бермаган, ҳоқим берган, мен ҳоқимнинг қарори билан ерни қайтариб бераман, сен судга яна бир йил қатнасанг ҳам фойдаси йўқ, ерни мендан ололмайсан” деб Бахтиёрни ҳақорат қилиб, ҳайдаб юбормоқда. Ваҳоланки, Гурлан тумани ҳоқимининг 2015 йил 6 ноябрдаги 1280-сонли “Гурлан тумани ҳоқимининг 2014 йил 1 декабрь 1323-сонли ва 2015 йил 21 январдаги 104-сонли қарорларини бекор қилиш” тўғрисидаги қарори мавжуд. Афсуски, ушбу қарор ижро қилинмай келмоқда.

Аксинча, туман ҳоқими Б.Полвоновга 2015 йил 9 ноябрда 7-900-сонли “Таклиф” билан мурожаат қилиб, “Ражаб Полвон” фермер хўжалигининг ер ижара шартномасини ўзаро келишув билан бекор қилишга розилиги ҳақида 4 кунлик муддат ичида туман ҳоқимлигига маълум қилишини сўраган. Акс ҳолда, барча суд харажатларини унинг зиммасига юклаган ҳолда, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мўжбур бўлишини билдирган. Туман ҳоқими 2015 йил 11 ноябрь куни яъни “Таклиф” юборилганидан 3 кун ўтиб, Хоразм вилояти хўжалик судига даъво аризаси берди. Ваҳоланки, ҳоқим ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартноманинг 20-бандида “Томонлардан бири “Шартнома”ни бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни “Шартнома”ни бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилинади” деб кўрсатилган.

Суд Гурлан тумани ҳоқимининг “Ражаб Полвон” фермер хўжалиги билан туман ҳоқимлиги ўртасида

2014 йил 23 август кунги 90-сонли ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш (олиш) шартномасини бекор қилиш” тўғрисидаги даъво аризасини ХПКнинг 112-моддаси 1-банди, 112-моддаси, 88-моддаси 5-бандига асосан даъвогарга қайтариши ва кўрмасдан қолдириши лозим эди. Лекин суд ундай қилмади. 2015 йил 1 декабрда Б.Полвоновнинг илтимосномасини рад этиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Фуқаро учун қонун ўйини бошланади ва қонун кимгадир тобе холда иш юритади, холос. Тумандаги фермер хўжаликларини йириклаштириш кўплаб фермерларга ноқулайликлар олиб келмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идораларида, ҳоқимликларда қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида белгиланган қоидаларни амалдорлар манфаатларига мослаштириб ижро этиш, оддий фуқароларни қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Олдиндан таёрланган режа асосида амалдорларнинг маълум гуруҳи “Ражаб Полвон” фермер хўжалигини аввал Энажон Жумановадан, эндиликда эса янги раҳбар Бахтиёр Полвоновдан тортиб олмақдалар. Суриштирув ва суд ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилмади. Иш бир томонлама кўрилди. Ер масаласида манфаатдор томонлар коррупция ташкилотчилари экани сабаб қонун уларни ҳимояга олгани шубҳалидир.

Б. Полвоновнинг миллионлаб пули эвазига ташландик ҳолдан тикланган ерни асл деҳқонга қайтарилиши қийин кечмоқда. (Ер қонунчилигида қишлоқ хўжалик субъектлари учун балл бонитети паст кўрсаткичларга эга бўлган ер участкаларидан (30 дан кам бўлса) ер солиғига тортилмаслик муддатини «ушбу ерлардан фойда олиш муддатига қадар», деб белгиланиши лозим. Чунки, бизларга маълумки, табиий ва техноген бузилган ерларнинг «ўзлаштириш муддати», яъни фермерларнинг тубдан мелиорация ва рекултивация қилиш учун ишлатган маблағларини қоплаш ва даромад олишни бошлаш муддати, 3 йилдан то 25 йилгача давом этиши мумкин. Бундай ҳуқуқий норма фермерларни яхши ер қидириб юришга, кадастр баҳосини камайтиришга бўлган «ноқонуний» ҳарақати ёки интилишини камайтиради). Шундай экан, Б.Полвонов ўзлаштирган, ўз кучи билан балл банитетини оширган ерларга кадастр баҳосини юқори белгиланишини нотўғри тарзда амлага оширилган.

Яна бир фермер Марям опа

ҳам доимо фермер хўжалиги учун белгиланган давлат буюртмаларини ошиғи билан бажариб келган. Молиявий томондан ҳеч қандай қарздорлиги йўқ. Лекин Гурлан тумани ҳоқимлиги томонидан яна ўша Улуғбек Болтабоев ҳамкорлигида унинг ери ҳам ноқонуний қарор асосида тортиб олинган. Марям опа судлашиш бефойда эканлигини тушуниб, бошқа фермерларни тўплаб, ўз норозилигини қайсидир кўринишда намойиш этмоқчи бўлди. Унинг бу ишини кўрган амалдорлар, маҳаллий ҳоқимият вакиллари унинг шаънини ҳақорат қилишган ва унга қарши мушт кўтаришган.

Аслида, бундай норозилик ҳар бир деҳқончилик йили сўнггида юз беради. Сабаб, ер сотишга одатланган раҳбарлар салгина “оёғи тойган” фермернинг ерини тортиб олишга йил давомида тайёргарлик кўриб боришади. Фермер парвариш йили давомида, гарчи ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар тўғрисида “хато” қилса, яъни банкдан пулини ололмаса ва ғўзасини ўтай олмаса, каналда сув бўлмаса ва экинини суғура олмаса, кимё ташкилоти ўғит бермаса ва ўсимликни озиқлаш кечикса, барибир калтак унинг бошида синади ва мирсаблар воситасида: “далани ўз ихтиёрим билан топшираман” мазмунидаги ариза ёздириб, олиб қўйилади. Мажбуран ёздирилган бу аризалар кеч кузда амалдорлар фойдасига ишлатилади.

Оила аъзолари билан ўз ерида ишни қойиллатиб, режаларни дўндириб турган бу фермер хўжалигини ерсизлантиришга ҳеч қандай асос йўқ. Лекин, унинг даласи меҳнат тўғрисида унимдор ҳолга келган, мана-ман деган ерфурушнинг кўзини ўйнатадиган даражада қулай шароитли. Шунинг учун ҳам унинг ери пулдор амалдор томонидан шафқатсизларча тортиб олинмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, “Нажот” ташкилоти суд-ҳуқуқ идораларидан ерларнинг ҳақиқий деҳқонлар қўлига қайтарилишини, коруупцияга қарши қонунлар адолатли тарзда қўлланилишини, миллионлаб харажат қилган деҳқонларнинг пуллари ўзларига қайтариб берилишини, судлар ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқиб, келтирилган далиллар ҳуқуқий баҳо беришни талаб қилади. Ушбу ҳолатлар тўғрисидаги мониторинг натижалари тегишли хорижий ташкилотларга илова тарзида жўнатилади.

Ҳаитбой ЯҚУБОВ, Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти раиси

УХХ таҳририятига келган мактуб

Хикоя

«...Ташқарида тонг ва ёт иқлим
Ва бегона кунлар тартиби...»
Муҳаммад Солиҳ
«Ўзимни... алдасам, майлими?»
Суҳбатдош бу саволни эшитиб
кулмади. Унга жим қараб қолди. Бу
бир неча сония давом этди.

«Зарурми?»

«Жуда ҳам...»

«Эпласанг, бемалол.»

У гапларини гапириб бўлган
эди, шунинг учун ўрнидан туриб
ташқарига йўналди. У эса унинг
ортидан эргашди ва бирдан эсига
тушгандек яна сўради:

«Нима деб алдай?»

Суҳбатдош бу сафар ҳам ҳайрон
бўлмади.

«Ихтиёринг.»

Отаси айвонда китоб ўқиётган
эди, онаси оғилда сигир соғаяпти:
«Жонивор, жим тур, жонивор...»

Сигир тепонғич, эркалаб
гапирмасанг, бўлмайди.

У уларни кўриб остонада
тўхтади, лекин отаси унинг ўзига-
ўзига гапириб чиққанини сезиб
улгурди: «Болам, яна ўзингга ўзинг
гапирясанми?»

У отасини бу сафар нима деб
алдаш ҳақида ўйлади: «Нима десам
экан? Ерга йиқилиб тушайми?
Ё ўзимни карликка солайми?
Дадамни алдаш шарт эмас, ўзи

алданиб қолаверади. Ўзимни
қандай қилиб алдайин?»

«Болам, эсинг жойидами? Қани,
менга кара-чи? Бармоғим нечта?»
—отаси хавотирга тўлиб келиб унга
тўртта бармоғини кўрсатди. Китоби
жойида очиқ қолди.

Унинг кулгиси келди:
«Мен тентак баҳона излаб
ўтирибман-а...»

Кейин дадил деди: «Саккизта
кўл! Бармоқ йўқ!»

Ота ҳовлиқиб келиб унинг
пешонасига кафтини кўйиб,
оғилдагихотинига бақирди: «Онаси,
болангда иситма йўқ. Лекин яна
ўқитиш керак, шекилли... Кўзингга
нима кўринаяпти, болам?»

У отасининг елкаси оша қараб
турган суҳбатдошга кўз ташлади.
Суҳбатдош қўлларини икки ёққа
ёйиб нима қилай дегандек қилди.

«Дада... – деди. – Сизларни
алдашган. Биз ҳеч қандай мустақил
бўлмаганмиз.»

«Валдирама, бола, валдирама...»

«Дада, биз совет давридагидан
кўра беш баттар кул бўлганмиз...»

«Совет даврини гўрда
биласанми? Ўзинг 2005 йил
туғилгансан, тирмизак! Мана, биз
кўрганмиз кулликни!»

Кураш

«Хали ҳам кулсизлар...»

«Сенга ким айтди бунди?»

«Биламан-да... Менга у айтди!»

«Қани? Ким?» – ота ўғли
кўрсаткич бармоғини нуққан
томонга боқди: ҳеч ким йўқ! Фақат
хўроз товукни қувиб ўтиб кетди.

Суҳбатдош эса шундоққина
отасининг ортида турибди.

«Дада, сизлар уни кўрмайсизлар.
Мен кўраман. У менга ҳаммасини
айтди...»

«Нима деди?»

«Каримов ҳаммани алдаб
юрибди... Одамлар унинг қовоғига
қарайди... Битта одамнинг
кайфияти билан яшаш эрк эмас...
Куллик деди...»

Онаси етиб келди.

«Вой болажоним! – кучоқлаб
олди. – Тилаб олганим! Нима
бўлди? Алаҳлаяпсанми?»

«Ойи, дада...» – ортиқ гапира
олмади.

Отаси кимгадир телефон қилар
эди:

«Алйў... Ёрдаминг керак,
ошна... Бошқа бир психолог топ...»

Онаси эса уни кўрпага ўраб
ёткизиб қўйди.

Гўрўғли

Февраль, 2016



Туркия Ташқи ишлар
вазирлигининг баёнотида шундай
дейлади:

«Сурия Халқаро ёрдам
гуруҳининг 11 феврал куни
Мюнхенда бўлиб ўтган
йиғилишида, Суриядаги
зиддиятларини тугатиш қарорини

бораётган шифохонага Руслар
томонидан амалга оширилган
учоқ ва ракета ҳужумлари
натijasида аксарияти аёллар ва
болалар бўлган 30 дан ортиқ тинч
аҳоли ҳалок бўлган. Яраланганлар
сони эса 100 кишидан ортгани
тахмин қилинмоқда.

Қатъиян қораланадиган
бу ҳужумлар ҳеч бир шаклда
инсониятга ва виждонийликга
тўғри келмагани каби, халқаро
ҳуқуқ тамойиллари бўйича ҳам
очиқ бир ҳарбий жиноятдир.
Россия Федерацияси содир қилган
бу жиноятлар билан Суриядаги
ички урушларнинг тобора
чуқурлашишига ва минтақада
хавфнинг ортишига йўл очмоқда.
Россия Федерациясининг Сурияни
тинчлик ва барқарорликдан янада
узоклаштирган бу ҳаракати
ва ҳужумларига дарҳол чек
қўйилмаса, бундан ҳам ортиқ ва
жиддий асоратлар билан юзма-юз
келишдан қочиш бўлмай қолади.»

ЎХХ хабарлар бўлими

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги: “Россиянинг Суриядаги ҳужумлари ҳарбий жиноятдир”

Туркия ахборот
агентликларининг хабар
беришича, Туркия Ташқи ишлар
вазирлиги Россиянинг сўнгги 24
соат ичида Азадаги икки мактаб
ва икки шифохона учоқ ва
ракеталар билан ўққа тутиши
натijasида 30 дан ортиқ тинч
фуқаронинг ўлдирилганлиги, 100
дан ортиқ кишининг эса турли
тоифада яраланганлигини маълум
қилган. Вазирлик Россиянинг бу
ҳужумларининг ҳарбий жиноят
эканлигини таъкидлаган.

қабул қилди. Афсуски Руслар
бу қарордан сўнгра Суриядаги
ҳаво ҳужумларини тўхтатиш
ўрнига ҳарбий амалиётларини
янада кучайтириб, айниқса
тинч аҳолини, мактаб ва
шифохоналарни нишонга
олишлари кузатилмоқда.

Шу тариқа, охириги 24 соат
ичида Азадаги икки мактаб ва
бир шифохона билан биргаликда
Мааррат-ан-Нууман шаҳридаги
Чегара билмас шифокорлар
ташкilotи фаолият олиб

(Давоми: Боши олдинги сонда)

«Фирмадан одам келди», деб ўйлади Грегор, кейин нафасини ичига ютиб, тик қотди. Оёқлари бўлса, аксинча, аввалгидан ҳам тезроқ типирчилай бошлади. Атроф сув куйгандек жимиб қолди. «Эшикни очмасалар керак», деди ичида Грегор телба бир умид билан. Аммо хизматкор қизнинг одатдаги дадил қадами эшитилди — бориб эшикни очди. Грегор, бўсагаданок салом бериб келган одамни дарров таниди: идора бошқарувчиси. Арзимас бир қусур ҳам ёмон шубҳа уйғотадиган бу идорада ишлаш нахотки Грегорнинг манглайига ёзилган бўлса? Ахир бу идора хизматчиларининг ҳаммаси ҳам фирибгар эмаску, улар орасида ўз касбига содиқ, ҳалол одам ҳам бор-ку, агар бу одам ишдан бир-икки соат кечиккан бўлса-ю, виждони қийналиб, тўшакдан туролмай ётса, нима қилибди? Нахотки хабар олиш учун бирор шогирдини юбориш мумкин бўлмаса? Нахотки бошқарувчининг ўзи келиб, ишга бормаган одамнинг жиноятини текшириш фақат унинг — бошқарувчининг қўлидан келиши мумкинлигини беғуноҳ оила аъзолари олдида намоиш қилиши шарт бўлса? Грегор бир қарорга келганидан эмас, балки бошида айланаётган шундай фикрлардан жунбишга тушди ва бир юлкиниб, ерга ағанади. Зарб қаттиқ бўлса-да, Грегор гиламга йиқилганиданми ёки елкаси у ўйлагандан кўра қулай, қайишувчан бўлганиданми, товуш бўғиқ чикди...

— Бир нима тушиб кетди шекилли, — деди бошқарувчи чап томондаги хонадан. Грегор бошқарувчини ўзининг аҳволида тасаввур қилиб кўрди: бугунги юз берган воқеа бошқарувчининг бошига ҳам тушиши мумкин-ку. Аммо Грегорнинг фикрларини инкор қилгандай, бошқарувчи кўшни хонада локланган этикларини ғирчиллатиб шиддат билан бир неча қадам ташлади. Ўнг ёнидаги хонадан, Грегорни оғохлантиришга уриниб, онаси шивирлади:

— Грегор, бошқарувчи келди.

— Биламан, — деди Грегор аста: у овозини онаси эшитадиган қилиб кўтаришга журъат этмади.

— Грегор, — деди отаси чап ёндаги хонада туриб, — жаноб бошқарувчи келди. У нега эрталабки поездда кетмаганлигини



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-2

сўраяпти. Нима деб жавоб беришни билмаяпмиз. Айтгандай, у сен билан ўзи гаплашмоқчи. Шунинг учун, илтимос, эшикни оч. Жаноб бошқарувчи хонадаги тартибсизликни кўриб, маъзур тутар, деб ўйлайман.

— Яхши ётиб турдингизми, жаноб Замза? — деб мулоийм гап кистирди бошқарувчи.

— Унинг тоби қочган, — деди онаси бошқарувчига (шу пайт отаси Грегорга гапираётган эди), — менга ишонинг, жаноб бошқарувчи, унинг тоби йўқ. Бўлмаса, Грегор поездга кечикармиди! Ахир, болагина, фақат фирмани ўйлайди, мен ҳатто ундан хафа бўламан: кечкурунлари ҳеч ёққа чикмайди, мана, шаҳарда саккиз кун бўлиб, уйдан чикмай ўтирди. Столга кўксини бериб, жимгина газета ўқийди ёки поездлар жадвалини кўради... Биргина эрмаги — ёғоч қирқиш: масалан, икки оқшом ичида бинойидеккина ром ясади, мана, Грегор эшикни очсин, ўзингиз кўрасиз, қараб кўз тўймайди. Аммо сизнинг ташрифингиздан мен бахтиёрман, жаноб бошлик; Грегор ўзи ўжар, эрталаб ўзи бўйнига олмаган бўлса-да, мен биламан — тоби йўқ.

— Ҳозир чиқаман, — деди Грегор ҳар бир сўзни чўзиб, салмоқ билан: у ўз нутқига диққат қилиб, қимир этмай ётарди.

— Сизга бошқа гапим йўқ, бекам, — деди бошқарувчи, — Грегорнинг касали унча хавфли бўлмаса керак, деб умид қиламиз.

Ҳарҳолда шуни айтиб қўйишим керакки, биз коммерсантлар савдо манфаати учун баъзан енгил-елпи хасталикларга бардош бериб, ишни давом эттиришимизга тўғри келади.

— Энди жаноб бошлик хонангга кирса бўладими? — деб сўради сабри тугаган отаси ва эшикни тақиллатди.

— Йўқ, — деди Грегор.

Чап ёндаги хонага жимлик чўкди. Унг тарафдаги хонада сингисининг йиғлагани эшитилди.

Нега сингиси хонадан чикмаяпти? Ҳали кийиниб улгурмагандир. Балки ўрнидан ҳам турмаган бўлса керак. Лекин нега у йиғлайди? Чунки Грегор ҳамон ётибди, чунки у бошқарувчини хонасига киритмаяпти, чунки Грегор бу қилиғи билан ишдан бутунлай маҳрум бўлиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, хўжайин ота-онасига эски талабларни қўйиб, яна оиласини таъқиб қила бошлайди. Лекин ҳали умид бор-ку. Грегор шу ерда оиласини ташлаб кетгани йўқ, ташлаб кетмоқчи ҳам эмас. Тўғри, у ҳозир гиламда ётибди, шу аҳволини кўрса, ҳеч ким «Бошқарувчи хонангга кирсин», деб тикилинч қилмаган бўлар эди. Сал илтифотсизлик учун дарров ишдан ҳайдашмас ахир, бу гуноҳни ювишга кейинроқ бир баҳона топилар. Ҳозир мени тинч қўйсалар яхши бўларди. Йиғисигию илтимослар билан бош қотирмай тинч қўйсалар, жуда яхши бўларди, деб ўйлади Грегор. — Лекин «Буёғи нима бўлади?» деган даҳшатли савол уйдагиларни қийнар, шуни ҳисобга олиб, уларни кечирриш мумкин эди.

— Жаноб Замза, — дея хитоб қилди бошқарувчи овозини бир парда кўтариб, — нима гап ўзи? Эшикни қулфлаб олиб, фақат «Ҳа» ва «Йўқ» дейсиз, ота-онангизни беҳуда қийнайсиз? Ўжарлик билан хизмат бурчингиздан бўйин товлайсиз — буни шунчаки эслатиб қўйяпман — нима гап ўзи? Мен ота-онангиз номидан, хўжайинингиз номидан гапиряпман, илтимос қилардимки, зудлик билан бизга тушунтиринг — нима гап? Мен сизга ҳайрон қоляпман. Сизни беозор, мулоҳазали йигит, деб юрардим, сиз бўлса, энди билсак, янги қилиқ чиқарибсиз. Тўғри, эрталаб хўжайин сизга топширилган инкассанинг ўрнида эмаслиги ишга келмай қолганингизга сабаб бўлган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

деб тахмин қилгандай гапирувди. Мен унинг шубҳаси ўринсиз эканлигини айтмоқчи эдим, аммо бу ўжарлигини кўриб, сизни ҳимоя қилиш истаги йўқолиб боряпти менда. Буни фақат ўзингизга айтмоқчи эдим, аммо сиз бу ерда бекорга менинг вақтимни олганингиздан кейин, бу гапни ота-онангиздан яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ишдаги муваффақиятларингиз ҳам кейинги пайтда қаноатланарли бўлмапти: тўғри, ҳозир савдода катта шартномалар тузиш учун қулай фасл эмас, буни тан оламиз, аммо умуман шартнома тузиш мумкин бўлмаган фасл йўқ, жаноб Замза, бўлмайди ҳам!

— Ахир, жаноб бошқарувчи! — деб юборди Грегор ўзини тутолмай ва ҳаяжондан ҳаммасини унутиб, гапира кетди: — Мен ҳозир эшикни очаман, дарров очаман. Сал тобим қочиб, бошим айланяпти, ўрнимдан туролмаяпман. Лекин ҳозирок кўрпадан чиқаман, мана чиқяпман, бир зум сабр қилинг! Ҳарҳолда, аҳволим яхши эмас, лекин анча тузалиб қолгандайман. Нима жин урди мени! Кеча кечқурун соппа-соғ эдим, ишонмасангиз, ота-онамдан сўранг. Йўқ, тўғрироғи, кеча ниманидир сезгандай бўлудим. Эҳ, нега бундан фирмани огоҳлантирмадим! Лекин ўрнимдан турсам, хасталик ўтиб кетади, деб умид қиларкан-да киши. Жаноб бошқарувчи! Ота-онамга шафқат қилинг! Ахир менга юкланаётган бу айбларда асос йўқ-ку: менга бу ҳақда ўзингиз ҳеч нарса демагансиз-ку. Сиз ҳали мен жўнатган сўнгги буюртмаларни кўрмаган бўлсангиз керак. Ҳозир анча ўзимга келиб қолдим, соат саккиздаги поездда жўнайман. Мени кутиб, овора бўлманг, жаноб бошқарувчи, фирмага ўзим етиб бораман, марҳамат қилиб хўжайинга шундай денг, унга бўлган ҳурматимни етказинг!

Грегор нима деяётганини ўзи ҳам англамай, шоша-пиша гапирар экан, сандиқ томон силжий бошлади. Каравотда чайқалиб, анча машқини олгани кўл келди чамаси, у сандиққа тезда яқинлашиб, унга тирмашиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Грегор чиндан ҳам эшикни очмоқчи, чиндан ҳам бошқарувчи билан гаплашмоқчи эди: лекин уни кўриб, одамлар нима дер экан? Мабодо улар қўриқиб кетишса, иш масъулияти

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-2

Грегордан соқит қилинади, шунда у хотиржам бўлиши мумкин. Агар уни ҳеч нарса бўлмагандай кутиб олишса-чи? Бу тақдирда ҳам ташвишга ўрин йўқ, чунки Грегор кийиниб, соат саккиздаги поездга бемалол улгуради. Грегор сандиққа тирмашар экан, бир неча марта сирғалиб кетди, ниҳоят қаттиқ бир силтанди-да, тикка туриб олди. Гавдасининг пастки қисмида кучли оғриқ пайдо бўлди, аммо Грегор бунга эътибор бермади. Кейин Грегор яқинида турган курси суянчигига ташланди: оёқлари билан унга маҳкам ёпишиб олди. У ўз танасини бўйсундириб, бир лаҳза жим қолди: ташқарида бошқарувчи тилга кирган эди.

— Унинг бирор сўзига тушундингизми? — деб сўз котди бошқарувчи ота-онасига, — у бизни калака қиляпти, чамамда?

— Худо ёрлақасин сизни! — деди онаси кўз ёш қилиб. — Балки у оғир касалдир, биз бўлса уни баттар қийнапмиз. Грета! Грета! — деб кичқирди сўнгра онаси.

— Ойи?! — жавоб қайтарди синглиси ён хонадан.

— Зудлик билан врачга хабар бер. Грегор касал. Тез врачни чақир. Грегорнинг овозини эшитдингми?

Шу пайт бошқарувчи онанинг чинқириғига нисбатан ҳайратланарли даражада секин:

— Бу — ҳайвоннинг овози, — деди.

— Анна! Анна! — деб кичқира бошлади отаси ошхона томонга қараб ва қарс урди, — тезда чилангарни чақириб келинг!

Хизматкор қиз билан Грегорнинг синглиси (у қачон кийиниб улгурди экан?) — икки қизнинг юбкаларини шитирлатганча даҳлизга чошиб чиққани-ю, кейин кўча эшиги очилгани эшитилди. Аммо қайта ёпилгани эшитилмади. Балки у бахтсизлик рўй берган хонадонлардаги эшикбиланг очик қолгандир. Ҳар қалай, Грегорнинг кўнгли сал ўрнига тушди. Тўғри, унинг гапини ташқаридагилар англамас, лекин ўзи тушунарди. Ҳатто кулоғи кўникиб қолди шекилли, илгаридан ҳам яхшироқ тушунарди. Уйдагилар Грегорга бир бало бўлганини сезди, унга ёрдам бермоққа бел боғлашди. Дастлабки берилган буйруқлардаги қатъийлик Грегорга ижобий таъсир кўрсатди. У ўзини яна одамлар қаторида ҳис

қилди, врач билан чилангардан мўъжиза кутди. Муқаррар суҳбатда нутқи оқсаб қолмаслиги учун у аввал йўталиб кўрди. Фақат секин йўталди. Ким билади, бу товуш ҳам одам йўталига ўхшамаслиги мумкин-да. Грегор курсини ушлаб, эшик томон оҳиста силжий бошлади. Кейин курсини кўйиб юборди-да, эшикка ташланиб бутун гавдаси билан унга қапишди-қолди (панжаларида ёпишқоқ бир нарса бор эди). Бу машаққатдан сўнг жиндай нафасини ростлади. Кейин қулфдаги калитни оғзи билан бурай бошлади. Эвоҳ, унинг тишлари ҳам йўққа ўхшайди — калитни нима билан бурайди энди? Хайрият, жағи ниҳоятда мустаҳкам экан. Метин жағлар калитни айлантдири. Оғзидан аллақандай кўнғиртоб суюклик оқиб, аввал калитга, кейин полга томди, аммо Грегор ҳозир ўз соғлигини ўйламас эди.

— Кулоқ солинглар, — деди бошқарувчи кўшни хонада, — у калитни бурапти.

Бу гап Грегорга мадад берди: қанийди ҳозир ҳаммаси жўр бўлиб: «Ҳа, Грегор, кучлироқ бура! Кучингни аяма, Грегор!», дея кичқирса. Ҳамма ўзининг ҳаракатларини жоникиб кузатаётганини тасаввур қилган Грегор калитга телбаларча ёпишди. Калит аста-секин буралаверди. Ниҳоят, қулф ширқ этиб очилди. Грегор ҳушига келди. У нафасини ростлаб, ичида: «Демак, чилангарнинг ёрдамисиз ҳам ўзим уддаладим», деди-да, бошини эшик тутқичига қўйди.

Эшик очилди. Лекин Грегор ҳамон эшикка қапишиб тургани учун ташқаридагиларга кўринмас эди. Грегор аввал эшикнинг биринчи табақасидан эҳтиёт бўлиб ўтмоғи лозим, йўқса нақ бўсағага ағанаб тушиши ҳеч гап эмас. Шу пайт кутилмаганда бошқарувчининг «Оҳ!» деган нидоси эшитилди. Кейин унинг ўзи кўринди. У эшикка ҳаммадан яқинроқ турар, айна чоқда ҳайратдан ланг очилган оғзига кўлини босиб, гўё даҳшатли бир куч итараётгандай ортига тисланмоқда эди.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов